



**КОРХОНАЛАРНИ ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚҚА  
ТОРТИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ, АҲАМИЯТИ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

*PhD Джусулибеков Нурмат*  
“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти  
ORCID: 0009-0001-5039-0102  
[nk.djilibekov@ngmk.uz](mailto:nk.djilibekov@ngmk.uz)

**Аннотация.** Мақолада корхоналарни ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тортишнинг объектив зарурлиги, унинг иқтисодий аҳамияти ва услубий асослари таҳлил қилинади. Ер ости ресурсларидан фойдаланиш жараёнида солиқ сиёсати муҳим восита бўлиб, давлат бюджети даромадларини шакллантириш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик барқарорликни таъминлашда катта аҳамия тга эга. Шунингдек, мақолада халқаро тажриба таҳлил қилиниб, Ўзбекистон учун самарали моделлар таклиф қилинади.

**Калим сўзлар:** ер қаъридан фойдаланиш, табиий ресурслар, солиқ сиёсати, солиққа тортиси, минерал ресурслар, иқтисодий ривожланиш, экологик барқарорлик, солиқ юки, халқаро тажриба, давлат бюджети, табиий ресурсларни бошқариш, стратегик тартибга солиш, фискал сиёсат, солиқ тушумлари, инвестиция муҳити.

**ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ, ЗНАЧЕНИЕ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ  
НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ЗА ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НЕДР**

*PhD Джусулибеков Нурмат*  
Акционерное общество «Навоийский горно-металлургический комбинат»

**Аннотация.** В статье анализируется объективная необходимость налогообложения предприятий за использование недр, его экономическое значение и методологические основы. Налоговая политика в процессе использования подземных ресурсов является важным инструментом, способствующим формированию доходов государственного бюджета, эффективному использованию природных ресурсов и обеспечению экологической устойчивости. Также рассматривается международный опыт и предлагаются эффективные модели для Узбекистана.

**Ключевые слова:** использование недр, природные ресурсы, налоговая политика, налогообложение, минеральные ресурсы, экономическое развитие, экологическая устойчивость, налоговая нагрузка, международный опыт, государственный бюджет, управление природными ресурсами, стратегическое регулирование, фискальная политика, налоговые поступления, инвестиционная среда.

## OBJECTIVE NECESSITY, IMPORTANCE, AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF TAXATION FOR ENTERPRISES USING MINERAL RESOURCES

*PhD Djilibekov Nurmat*

*"Navoi Mining and Metallurgical Company" Joint Stock Company*

**Abstract.** The article analyzes the objective necessity of taxing enterprises for the use of subsoil resources, its economic significance, and methodological foundations. Tax policy in the process of utilizing underground resources serves as a crucial tool for forming state budget revenues, ensuring the efficient use of natural resources, and maintaining environmental sustainability. Additionally, the article examines international experience and proposes effective models for Uzbekistan.

**Keywords:** subsoil use, natural resources, tax policy, taxation, mineral resources, economic development, environmental sustainability, tax burden, international experience, state budget, natural resource management, strategic regulation, fiscal policy, tax revenues, investment climate.

### **Кириш.**

Ер қаъридан фойдаланиш учун солиққа тортиш давлатнинг муҳим иқтисодий воситаларидан бири бўлиб, табиий ресурсларни самарали бошқариш, бюджет даромадларини ошириш ва экологик барқарорликни таъминлашда катта аҳамият касб этади. Минерал ресурслар чекланган ва қайта тикланмайдиган манба бўлгани сабабли, улардан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш ва шу билан бирга, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўловлари нафақат давлат бюджетини тўлдириш, балки ресурсларни тежашга, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни жорий этишга ҳам таъсир кўрсатади.

Давлат иқтисодиётида ер ости ресурсларидан тушумлар муҳим ўрин тутади. Бу солиқ тури табиий ресурслардан фойдаланиш натижасида олинган даромадларни адолатли тақсимлашга хизмат қиласи ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшади. Айниқса, ресурсларга бой мамлакатларда бугунги кунда табиий бойликлардан тушган даромадларни самарали бошқариш, уларни турли иқтисодий тармоқларга йўналтириш ва инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштириш орқали барқарор иқтисодий ўсишга эришиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Солиқлар орқали давлат нафақат даромад манбай яратади, балки ишлаб чиқариш жараёнларини тартибга солиб, ресурсларни оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Ушбу масаланинг долзарблиги табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнларини такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш зарурати билан боғлиқ. Ер қаъридан фойдаланиш учун солиққа тортишнинг мавжуд тизимлари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳамда халқаро тажриба таҳлили асосида самарали моделларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада ер ости ресурсларини солиққа тортишнинг иқтисодий ва методологик асослари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон учун энг мақбул ёндашувлар таклиф қилинади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Ер қаъридан фойдаланиш учун солиққа тортиш масаласи иқтисодиёт ва молия соҳасидаги олимлар томонидан кенг ўрганилган. Солиқларнинг иқтисодий таъсирини тадқиқ этган Жон Стюарт Милл (1848), Артур Лаффер ва Генри Жорж каби иқтисодчилар ер ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишни тартибга солишда солиқ сиёсатининг ўрнини таъқидлашган. Солиқ юқининг тақсимланиши ва давлат бюджетига таъсири К. Маркс, А. Смит ва Д. Рикардо томонидан ҳам кўриб чиқилган.

Ҳозирги кунда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлар табий ресурслардан барқарор фойдаланишни таъминлаш, ресурсларни қайта тиклаш ва экологик заарнинг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган муҳим иқтисодий восита сифатида баҳоланмоқда (Mill, 1848).

Жаҳон банки (2017) ва Халқаро валюта жамғармаси (IMF) (2019) каби халқаро ташкилотлар табий ресурслардан тушумларнинг давлат иқтисодиётидаги аҳамиятига оид тадқиқотлар олиб борган. Уларнинг ҳисботларида ер қаъридан фойдаланиш учун солиқларнинг иқтисодий ўсишга, инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштиришга ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга таъсири бўйича таҳлиллар келтирилган.

Иқтисодий назарияда табий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ солиқقا тортишнинг турли моделлари мавжуд. Генри Жорж (1879) ўзининг "Ягона солиқ назарияси" асарида ер ва табий ресурслардан тушадиган даромадларнинг катта қисмини давлат бюджетига йўналтириш зарурлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, ер ресурслари умумий бойлик ҳисбланиб, улардан фойдаланиш хусусий мулқдорлар фойдасига эмас, балки жамият манфаати йўлида амалга оширилиши керак.

Артур Лаффер (2004) ўзининг солиқ ставкалари ва иқтисодий фаоллик ўртасидаги муносабатни тасвирлайдиган Лаффер эгри чизигини ишлаб чиқиб, солиқ ставкалари жуда юқори бўлган тақдирда ишлаб чиқариш ва сармояларнинг пасайиши мумкинлигини кўрсатган. Бу ёндашув ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлар мувозанатли ва самарали бўлиши кераклигини англатади.

Жан Баптист Сэй солиқларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини ўрганиб, уларни мувозанатли тарзда жорий этиш муҳимлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, ер ресурсларидан тушадиган даромадлар адолатли тақсимланиши ва давлатнинг иқтисодий ривожланиш стратегиясига мувофиқ равишда фойдаланилиши керак.

Турли давлатларда ер қаъридан фойдаланиш учун солиқقا тортиш моделлари турлича бўлиб, улар табий ресурслардан фойдаланиш ва уларни бошқариш стратегияларига боғлиқ.

**Масалан, Норвегияда** ер қаъридан фойдаланишдан тушадиган даромадларни самарали бошқаришнинг энг муваффақиятли моделларидан бири ҳисбланиади. Мамлакатда табий ресурслардан тушадиган солиқлар ва роялтилардан олинган маблағлар Суверен давлат жамғармасига йўналтирилади, бу эса узоқ муддатли иқтисодий барқарорликни таъминлайди (Stiglitz, 2007).

**Канада тажрибасига назар соладиган бўлсак,** табий ресурсларга бой бўлган бу мамлакатда федерал ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасида ресурслардан тушадиган даромадлар бўлиниши бўйича самарали солиқ сиёсати амалга оширилади. Бу маҳаллий ҳукуматларга инфратузилмани ривожлантириш ва экологик лойиҳаларни қўллаб-куvvatлаш имконини беради.

**Қўшни Қозогистонда эса** Ер қаъридан фойдаланиш учун роялти ва фойда солиғи жорий қилинган. Мамлакатда ресурсларга асосланган иқтисодиёт шаклланган бўлиб, табий ресурслардан тушумлар давлат бюджети даромадларининг катта қисмини ташкил қиласи (Kazakhstan Ministry of Finance, 2020).

Мамлакатимиз иқтисодиётида ер қаъридан фойдаланиш учун тўланадиган солиқлар давлат бюджетига муҳим даромад манбаи бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнларини тартибга солиш ва ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган. Лекин халқаро амалиётдан келиб чиқиб, бу солиқларни такомиллаштириш ва бозор механизмларига мослаштириш зарурияти мавжуд.

Умуман олганда, ер қаъридан фойдаланиш учун солиқка тортишнинг иқтисодий ва методологик асослари халқаро ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган бўлиб, ҳар бир давлат ўз иқтисодий шароити ва табий ресурслар сиёсатига мос равишда турли ёндашувларни қўлламоқда. Норвегия ва Канада каби давлатлар бу солиқлардан тушадиган даромадларни узоқ муддатли иқтисодий барқарорлик ва

ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-куватлаш учун йўналтиrsa, Қозоғистон ва Ўзбекистонда бу солиқлар давлат бюджети даромадларининг муҳим қисми сифатида қарабади. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон учун халқаро тажриба ва мутахассисларнинг ёндашувларини инобатга олган ҳолда, ер қаъридан фойдаланиш учун солиқقا тортиш тизимини такомиллаштириш зарур. Бу эса табиий ресурслардан самарали фойдаланиши таъминлаш, бюджет даромадларини барқарорлаштириш ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашга хизмат қиласди.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотда ер қаъридан фойдаланиш учун солиқقا тортиш тизимининг самарадорлигини баҳолаш ва уни такомиллаштириш усуллари ўрганилди. Бунда, авваламбор, ер қаъридан фойдаланиш учун солиқقا тортишнинг меъёрий-хуқуқий асослари таҳлил қилиниб, мавжуд қонунчилик ҳужжатлари ўрганилди. Шунингдек, халқаро тажрибаларга таянилган ҳолда, турли давлатларда қўлланилаётган солиқ моделлари ва уларнинг иқтисодий натижалари ўрганилди. Солиқ юкининг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш мақсадида турли мамлакатлардаги ставкалар, бюджетта тушумлар ва инвестиция муҳитининг ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинди.

Тадқиқотда солиқ сиёсати ва унинг ишлаб чиқариш жараёнларига таъсирини тушуниш учун иқтисодий таҳлил ва солиштирма усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, Ўзбекистондаги амалдаги солиқ тизимининг кучли ва заиф томонлари ўрганилиб, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Натижада, ер қаъридан фойдаланиш учун солиқقا тортишни самарали йўлга қўйиш, унинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш ва янги ёндашувларни таклиф этиш тадқиқотнинг асосий мақсадларидан бири бўлди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқقا тортиш тизими ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатида муҳим ўрин тутади. Табиий ресурслардан фойдаланиш давлат бюджетига салмоқли даромад келтиради, шу билан бирга, солиқ юки ишлаб чиқарувчилар ва инвесторлар учун қўшимча харажатлар манбай ҳисобланади. Шу сабабли, давлатлар солиқ ставкаларини белгилашда иқтисодий ўсишни қўллаб-куватлаш, табиий ресурсларни тежамкорлик билан бошқариш ва бюджет даромадларини барқарор сақлаш каби омилларни ҳисобга оладилар.

Ўзбекистонда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқقا тортиш тизими давлат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Мамлакатда фойдали қазилмалар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун турли солиқ турлари жорий этилган бўлиб, улар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши таъминлаш, экологияга таъсири камайтириш ва давлат бюджети даромадларини оширишга хизмат қиласди. Шунингдек, бу солиқлар хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш жараённада муҳим ўрин тутиб, мамлакатнинг минерал ресурслар секторидаги инвестиция муҳитига таъсир кўрсатади.

Таҳлил жараённада, Ўзбекистондаги амалдаги солиқ тизими, халқаро тажриба билан таққослаш, солиқ юки ва унинг иқтисодий самарадорликка таъсири ўрганилади. Шу билан бирга, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Куйида ушбу масалалар батафсил таҳлил қилинади.

Ўзбекистонда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқقا тортиш тизими давлат бюджети даромадларининг муҳим манбайдир. 2020 йил 3 декабрда қабул қилинган ПФ-6121-сонли Президент фармонига мувофиқ, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари нефть ва табиий газ бўйича 10 фоизгача, олтин ва мис учун 7 фоизгача, вольфрам учун 2,7 фоизгача ва уран учун 8 фоизгача камайтирилди. Бу чоралар ер қаъридан фойдаланувчи корхоналарнинг солиқ юкини енгиллатиш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган (Фармон, 2020).

Шу билан бирга, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб табий газни экспортгга реализация қилишда акциз солиғи ставкаси ноль фоиз микдорида белгиланди, бу эса экспорт қилувчи корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиласди (Фармон, 2021).

Бундан ташқари, ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан солиқ органлариға фойдали қазилмалар захираси ҳаракати түғрисидаги ҳисботни электрон қўринишда тақдим этиш тартиби жорий этилди, бу эса солиқ назоратининг самарадорлигини оширишга қаратилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси, 2022).

Ушбу ислоҳотлар ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ва инвестиция мухитини яхшилашга қаратилган бўлиб, уларнинг самарадорлиги келгусидаги таҳлиллар орқали баҳоланиши лозим.

Маълумки, мамлакатимизда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ давлат бюджети даромадларининг муҳим манбаидир. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йилги ҳисботига кўра, ушбу солиқ тушумлари 15 300,3 миллиард сўмни ташкил этган бўлиб, бу 2022 йилга нисбатан 1 412,9 миллиард сўмга ёки 10,2%га кўпdir.

### 1-жадвал

#### **Давлат бюджети даромадларининг 2023 йил прогнози ва ижроси, млрд. Сўм (Давлат бюджети ижроси бўйича ҳисбот, 2023)**

Даромадлар	2022 йил ижро	2023 йил ижро	Фарқ	Фоиз
<b>ЖАМИ</b>	<b>201 863,7</b>	<b>231 720,7</b>	<b>29 856,9</b>	<b>114,8</b>
<b>Бевосита солиқлар</b>	<b>64 447,1</b>	<b>73 103,6</b>	<b>8 656,5</b>	<b>113,4</b>
Фойда солиғи	37 649,9	40 778,9	3 129,1	108,3
Айланмадан олинадиган солиқ	2 512,7	2 407,3	-105,4	95,8
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	24 284,5	29 917,4	5 632,9	123,2
<b>Билвосита солиқлар</b>	<b>71 390,2</b>	<b>83 325,8</b>	<b>11 935,6</b>	<b>116,7</b>
Кўшилган қиймат солиғи	52 189,4	57 885,3	5 695,9	110,9
Акциз солиғи	13 455,0	15 834,4	2 379,3	117,7
Божхона божи	5 745,7	9 606,1	3 860,4	167,2
<b>Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи</b>	<b>23 912,8</b>	<b>28 079,5</b>	<b>4 166,7</b>	<b>117,4</b>
Мол-мулк солиғи	4 015,4	5 097,7	1 082,2	127,0
Ер солиғи	5 305,9	6 890,1	1 584,2	129,9
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	13 887,4	15 300,3	1 412,9	110,2
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	704,1	791,4	87,3	112,4
<b>Бошқа даромадлар</b>	<b>42 113,7</b>	<b>47 211,8</b>	<b>5 098,1</b>	<b>112,1</b>

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари давлат бюджети даромадларининг муҳим манбаидир. 2023 йилда бевосита солиқлардан тушумлар 73 103,6 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, бу 2022 йилга нисбатан 8 656,5 млрд сўмга ёки 13,4%га кўпdir. Солиқ тушумларининг ўсиши иқтисодиётдаги ривожланиш тенденциялари, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ва табиий ресурсларни қайта ишлаш жараёнларининг кенгайиши билан боғлиқдир. Бевосита солиқлар улуши мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди ва бюджет даромадларини шакллантиришда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

2023 йилда солиқ тұловчилар тури бүйича фойда солиғи тушумлари:

олтин ва мис қазиб чиқарувчи корхоналари (НКМК ва ОКМК)	21 656,7 млрд сүм, ўсиш суръати - 4 262,9 млрд сүм ёки 24,5%
йирик солиқ тұловчилар бүйича худудлараро солиқ инспекцияси солиқ тұловчилари (НКМК ва ОКМК дан ташқари)	11 778,1 млрд сүм, ўсиш суръати - -2 115,6 млрд сүм ёки -15,2%
Худудий солиқ тұловчилар	7 344,1 млрд сүм, ўсиш суръати – 981,7 млрд сүм ёки 15,4%

Фойда солиғи тушумлари 3 129,1 млрд сүмга, ёки 2022 йилга нисбатан 8,3 фоизга ошган.

### ФОЙДА СОЛИҒИ БҮЙИЧА ТУШУМЛАРНИ ОШИШИГА ҚАНДАЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИР КҮРСАТДИ?

- Тоғ-кон ва металлургия саноати корхоналарининг асосий ишлаб чиқарыш товари ҳисобланған олтиннинг 1 үнцияси учун жағон бозоридагы үртака йиллик нарх 1 941,8 АҚШ долларига ошиши фойда солиғи тушумларини 2022 йилга нисбатан 6,2 фоизга күпайшига олиб келди
- Фойда солиғи тұловчилар сони 183,5 мингтани ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 19,0 мингтага ёки 11,6 фоизга ошганлиги.

### 1-расм. 2023 йил давлат бюджети даромадларининг манбалар кесимида ижроси (Давлат бюджети ижроси бүйича ҳисобот, 2023)

Маълумотлардан күриниб турибдики, фойда солиғи бүйича тушумлар ҳам ўсиш тенденциясини күрсатмоқда. 2023 йилда бу солиқдан тушган даромадлар 40 778,9 млрд сүмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 3 129,1 млрд сүмга ёки 8,3%га ошган. Бу солиқдан тушган маблағларнинг катта қисми олтин ва мис қазиб чиқарувчи корхоналарга (НКМК ва ОКМК) түғри келган бўлиб, уларнинг улуши 21 656,7 млрд сүм ёки 53,1%ни ташкил этади. Бу эса қазиб оловчи саноат соҳасининг бюджетга киритиш ҳиссасини янада оширганлигини кўрсатади.

Солиқ тұловчилар тури бүйича таҳлил қилинганда, йирик солиқ тұловчилар бүйича худудлараро солиқ инспекциясига кирувчи компаниялар (НКМК ва ОКМКдан ташқари) томонидан тўланган фойда солиғи 11 778,1 млрд сүмни ташкил этган ва бу 2022 йилга нисбатан 2 115,6 млрд сүмга (-15,2%) камайган. Бу кўрсаткич ушбу сектордаги баъзи компанияларнинг фойдаси камайганлигини ёки солиқ юкини оптималлаштириш мақсадида айrim ислоҳотлар амалга оширилганлигини кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, худудий солиқ тұловчиларнинг фойда солиғи бүйича тушумлари 7 344,1 млрд сүмни ташкил этиб, 15,4%га ошган, бу эса худудий корхоналарнинг иқтисодий фаоллиги ошганлигидан далолат беради.

Фойда солиғи тушумларининг үсишига бир нечта асосий омиллар таъсир қилган. Биринчидан, олтин ва металлургия саноати корхоналарининг асосий маҳсулоти бўлган олтин нархи халқаро бозорда 1 941,8 АҚШ долларига кўтарилиган, бу эса ушбу корхоналарнинг даромадларини ва улардан тушган солиқ ҳажмини оширишга сабаб бўлган. Иккинчидан, фойда солиғи тұловчилари сони 183,5 мингтага этиб, 2022 йилга нисбатан 19,0 мингга ёки 11,6%га кўпайган, бу эса тадбиркорлик фаоллигининг ошганлигидан далолат беради. Солиқ тұловчилар сонининг кўпайиши, айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги улуши ошиши билан боғлиқ.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқقا тортиш тизими Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим роль ўйнаётгани кўринади. Фойда

солиғи тушумларининг ўсиши ва солиқ тўловчилар сонининг ортгани солиқ сиёсатидаги ўзгаришларнинг ижобий самара берганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, йирик солиқ тўловчиларнинг тушумлари камайгани таҳлил қилиниши ва уларни рафбатлантириш чоралари кўрилиши лозим. Давлат томонидан минерал ресурслардан олинадиган солиқлардан тушумлардан самарали фойдаланиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва солиқ сиёсатини оптималлаштириш бўйича тадқиқотларни давом эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Ер қаъридан фойдаланишдан олинадиган солиқ тизими ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатини белгилашда муҳим ўрин тутади. Табиий ресурсларга бой давлатлар нефть, газ, олтин, мис ва бошқа минерал ресурслардан олинадиган даромадларни давлат бюджетига самарали йўналтириш мақсадида турли хил ёндашувлардан фойдаланадилар. Баъзи давлатлар бу даромадларни тўғридан-тўғри бюджетга йўналтиrsa, бошқалари маҳсус жамғармалар ташкил этиб, узоқ муддатли иқтисодий барқарорликни таъминлашга эътибор қаратади.

Ўзбекистон ҳам табиий ресурсларга бой мамлакатлардан бири бўлиб, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тортиш тизими давлат бюджети учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, халқаро тажрибани таҳлил қилиш ва энг самарали моделларни ўрганиб, мамлакат иқтисодиётiga мос келадиган ислоҳотларни жорий этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Қуйида Австралия, Канада, Чили ва Қозоғистон каби мамлакатларнинг солиқ тизимлари бўйича таҳлиллар келтирилади:

Австралия дунёдаги энг йирик олтин ва мис ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. 2020 йилда Австралиянинг олтин ишлаб чиқариш ҳажми тахминан 328 тонна бўлиб, бу унинг жаҳон бозоридаги улушкини 10%дан оширди. Мис ишлаб чиқариш бўйича ҳам Австралия етакчи ўринларда туради, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 900 минг тоннадан ортиқ. Кумуш қазиб олиш ҳажми эса йилига тахминан 1,200 тоннани ташкил этади.

Австралияда рангли металлар қазиб олиш соҳасида солиққа тортиш тизими қўйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- Фойда солиғи (Corporate Income Tax):** Барча компаниялар учун ягона ставка 30%ни ташкил этади.

- Роялти тўловлари (Royalties):** Минерал ресурслар учун роялти тўловлари ҳар бир штат ва ҳудуд томонидан алоҳида белгиланади. Масалан, Фарбий Австралияда олтин учун роялти ставкаси қазиб олинган қимматбаҳо металнинг қийматига нисбатан 2.5%ни ташкил этади.

- Минерал ресурслар ренти солиғи (Mineral Resources Rent Tax):** 2012 йилда жорий этилган бу солиқ фойдаси 75 миллион Австралия долларидан ошадиган темир ва кўмир қазиб оловчи компанияларга нисбатан 30%лик ставкада қўлланилар эди. Бироқ, 2014 йилда бу солиқ бекор қилинди.

Австралиянинг рангли металлар қазиб олиш соҳасидаги тажрибаси Ўзбекистон учун қўйидаги жиҳатларда аҳамиятли бўлиши мумкин:

- Солиқ ставкаларининг барқарорлиги:** Австралияда компаниялар учун ягона фойда солиғи ставкаси мавжуд бўлиб, бу инвесторлар учун солиқ юкини олдиндан баҳолаш имконини беради.

- Роялти тўловларининг минтақавий фарқлари:** Ҳар бир штат ва ҳудуд ўз роялти ставкаларини белгилайди, бу эса маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш имконини беради.

- Солиқ тизимининг соддалиги:** Австралия солиқ тизими нисбатан содда бўлиб, бу инвесторлар учун тушунарли ва қулайдир.

Ўзбекистон Австралия тажрибасини ўрганиб, ўзининг рангли металлар қазиб олиш соҳасидаги солиқ тизимини такомиллаштириши мумкин. Хусусан, солиқ

ставкаларини барқарор ва тушунарли қилиш, роялти тўловларини маҳаллий шароитларга мослаштириш ва солиқ тизимини соддалаштириш орқали инвестиция муҳитини яхшилаш мумкин.

Канада ҳам дунёдаги энг йирик рангли металлар ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг ғарбий қисмида Кордильера тоғлари жойлашган бўлиб, бу ҳудудлар уран, темир, никель, мис, рух, қўрғошин, олтин ва кумуш каби қимматбаҳо ва саноат металларига бой.

Канададаги асосий рангли металлар қазиб олиш ҳудудлари Квебек, Онтарио, Британ Колумбияси ва Юкон ҳудудларида жойлашган. Мамлакатдаги йирик конлар қаторига Ред Лейк (Онтарио) ва Малартек (Квебек) олтин конлари, шунингдек, Хайленд Валли Коппер (Британ Колумбияси) мис кони киради.

Канадада рангли металлар қазиб олиш соҳасида солиққа тортиш тизими федерал ва провинция даражасида амалга оширилади:

1. Федерал фойда солиғи (Federal Corporate Income Tax): Барча компаниялар учун ягона ставка 15%ни ташкил этади.

2. Провинция фойда солиғи (Provincial Corporate Income Tax): Ҳар бир провинция ўз ставкасига эга бўлиб, улар 10%дан 16%гacha ўзгаради.

3. Роялти тўловлари (Royalties): Роялти тўловлари ҳар бир провинция томонидан алоҳида белгиланади ва қазиб олинаётган ресурс тури, ишлаб чиқариш ҳажми ва бозор нархларига боғлиқ равишда ўзгаради.

4. Минерал солиқлар (Mining Taxes): Айрим провинцияларда қазиб олевчи компаниялар учун қўшимча минерал солиқлар мавжуд бўлиб, улар фойда ёки ишлаб чиқариш ҳажмига асосланади.

Канаданинг рангли металлар қазиб олиш соҳасидаги тажрибаси Ўзбекистон учун қуйидаги жиҳатларда аҳамиятли бўлиши мумкин:

- Солиқ тизимининг федератив модели: Канадада федерал ва провинция даражасидаги солиқлар мавжуд бўлиб, бу маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш имконини беради. Ўзбекистон ҳам ўз ҳудудларининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда солиқ тизимини такомиллаштириши мумкин.

- Роялти тўловларининг бозор шароитларига боғлиқлиги: Роялти тўловларининг ишлаб чиқариш ҳажми ва бозор нархларига боғлиқ равишда белгиланиши қазиб олевчи компанияларнинг фаолиятини рафбатлантиришга хизмат қиласди. Ўзбекистон ҳам роялти тўловларини бозор шароитларига мослаштириши мақсадга мувофиқдир.

- Солиқ юкининг мувозанатлаштирилиши: Федерал ва провинция солиқларининг мувозанатлаштирилганлиги инвесторлар учун барқарор ва тушунарли солиқ муҳитини яратади. Ўзбекистон ҳам солиқ юкини мувозанатлаштириш орқали инвестицияйи жозибадорлигини ошириши мумкин.

Канада тажрибасини ўрганиш орқали Ўзбекистон ўзининг рангли металлар қазиб олиш соҳасидаги солиқ тизимини такомиллаштириб, инвестиция муҳитини яхшилаши ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаши мумкин.

Чилида рангли металлар қазиб олиш саноатини таҳлил қиласиган бўлсақ, бу давлат дунёдаги энг йирик мис ишлаб чиқарувчи мамлакат бўлиб, жаҳон мис ишлаб чиқаришининг таҳминан 28%ини таъминлайди. 2020 йилда мамлакатда 5,7 миллион тонна мис қазиб олинган. Шунингдек, Чили олтин ва кумуш қазиб олиш бўйича ҳам муҳим ўрин тутади. 2020 йилда Чилида 34,2 тонна олтин ва 1,2 минг тонна кумуш ишлаб чиқарилган.

Чилида рангли металлар қазиб олиш соҳасида солиққа тортиш тизими қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

1. **Фойда солиғи (Corporate Income Tax):** Барча компаниялар учун ягона ставка 27%ни ташкил этади.

**2. Қазиб олиш фаолияти учун махсус солиқ (Specific Mining Tax):** Бу солиқ ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ равища 5%дан 14%гача ўзгаради.

**3. Роялти тўловлари (Royalties):** Чилида роялти тўловлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқариш ҳажми ва бозор нархларига боғлиқ равища белгиланади.

Чилининг рангли металлар қазиб олиш соҳасидаги тажрибаси Ўзбекистон учун қўйидаги жиҳатларда аҳамиятли бўлиши мумкин:

- **Солиқ ставкаларининг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги:** Чилида қазиб олиш фаолияти учун махсус солиқ ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ равища белгиланади, бу эса қазиб олевчи компанияларнинг фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қиласди.

- **Роялти тўловларининг бозор нархларига мослашувчанлиги:** Роялти тўловларининг бозор нархларига боғлиқ равища ўзгариши қазиб олевчи компаниялар учун адолатли солиқ юкини таъминлайди.

- **Солиқ тизимининг шаффоғлиги ва барқарорлиги:** Чилидаги солиқ тизими шаффоғ ва барқарор бўлиб, инвесторлар учун тушунарли ва олдиндан баҳолаш имконини беради.

Ўзбекистон Чили тажрибасини ўрганиб, ўзининг рангли металлар қазиб олиш соҳасидаги солиқ тизимини такомиллаштириши мумкин. Хусусан, солиқ ставкаларини ишлаб чиқариш ҳажми ва бозор нархларига боғлиқ равища белгилаш, роялти тўловларини мослаштириш ва солиқ тизимини шаффоғ ва барқарор қилиш орқали инвестиция муҳитини яхшилаш мумкин.

Кўшни Қозоғистоннинг ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тизимини қисқа таҳлил қиласидиган бўлсак, бу мамлакат ҳам табиий ресурсларга бой мамлакатлардан бири бўлиб, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тортиш тизимиға эгалиги кўринади. Мамлакатда нефть ва газ ишлаб чиқарувчилари учун фойда солиғи ставкаси 20%ни ташкил этади. Бундан ташқари, минерал ресурслардан фойдаланганлик учун рента солиғи ва бонулар каби қўшимча тўловлар ҳам мавжуд. Масалан, минерал ресурслардан фойдаланганлик учун рента солиғи ставкаси 5%дан 30%гача бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва қазиб олинаётган ресурс турига боғлиқ.

Қозоғистоннинг бу модели табиий ресурслардан олинадиган даромадларни давлат бюджетига жалб қилишда самарали бўлса-да, солиқ ставкаларининг юқорилиги ва тизимнинг мураккаблиги айrim инвесторлар учун қийинчиликлар туғдириши мумкин. Шу сабабли, Қозоғистон солиқ тизимини соддалаштириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича ислоҳотлар ўтказмоқда.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тортиш тизими давлат бюджети учун муҳим даромад манбаи бўлиши билан бирга, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Солиқ юкининг юқорилиги, маъмурий жараёнларнинг мураккаблиги ҳамда солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар тадбиркорлар ва инвесторлар учун муайян тўсиқлар яратади. Шунингдек, халқаро тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, Норвегия, Канада, Австралия ва Чили каби мамлакатлар ўз солиқ сиёсатини динамик равища шакллантириб, роялти тизими, фойда солиғи ва қазиб олиш фаолияти учун махсус тўловларни ўзаро мувофиқлаштириш орқали иқтисодий самарадорликка эришган.

### Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистоннинг табиий ресурсларга бой эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд солиқ тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, тадбиркорлар ва инвесторлар учун қулай муҳит яратиш ҳамда солиқ юкини оптималлаштириш талаб этилади. Бу орқали мамлакатдаги қазиб олиш саноатида барқарор ўсиш таъминланиб, иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Олиб борилган таҳлил мамлакатимизда ер қаъридан фойдаланганлик учун амалдаги солиқ тизимида қуидаги камчиликлар мавжудлигини кўрсатади:

**1. Солиқ ставкаларининг юқорилиги:** Айрим фойдали қазилмалар учун солиқ ставкалари юқори бўлиб, бу қазиб оловчи компаниялар учун молиявий юкни оширади. Масалан, олтин ва кумуш учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси аввал 25%ни ташкил этган бўлса, кейинчалик 10%гача пасайтирилган.

**2. Солиқ маъмуриятчилиги мураккаблиги:** Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари мураккаб бўлиб, бу тадбиркорлар учун қўшимча маъмурий юкни келтириб чиқаради.

**3. Солиқ имтиёзларининг чекланганлиги:** Инвесторлар учун солиқ имтиёзлари ва рағбатлантириш чоралари етарли даражада эмас, бу эса янги инвестицияларни жалб қилишга тўсиқ бўлиши мумкин.

Куидаги омиллар эса тадбиркорлар ва инвесторлар учун тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда

**1. Солиқ юкининг юқорилиги:** Юқори солиқ ставкалари тадбиркорлик фаолиятининг рентабеллигини пасайтиради ва янги лойиҳаларни амалга оширишга тўсиқ бўлади.

**2. Маъмурий жараёнларининг мураккаблиги:** Солиқ ҳисботларини тайёрлаш ва тақдим этиш жараёнларининг мураккаблиги вақт ва ресурсларни талаб қиласди, бу эса кичик ва ўрта бизнес учун қийинчилик туғдиради.

**3. Солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар:** Солиқ қонунчилигидаги тез-тез ўзгаришлар тадбиркорлар ва инвесторлар учун ноаниқликларни келтириб чиқаради, бу эса бизнес режаларини тузишда қийинчиликларга сабаб бўлади.

Таҳлил ва тадқиқотлардан келиб чиқсан ҳолда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифларни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**1. Солиқ ставкаларини оптималлаштириш:** Фойдали қазилмалар учун солиқ ставкаларини бозор шароитлари ва ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим. Бу тадбиркорлар учун солиқ юкини енгиллаштиришга ёрдам беради.

**2. Солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш:** Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибларини соддалаштириш, электрон ҳисбот бериш тизимларини жорий этиш орқали маъмурий юкни камайтириш мумкин.

**3. Солиқ имтиёзларини кенгайтириш:** Инвесторлар учун солиқ имтиёзлари ва рағбатлантириш чораларини кенгайтириш орқали янги инвестицияларни жалб қилиш мумкин. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг ўсишига ҳисса қўшади.

**4. Солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш:** Солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни олдиндан режалаштириш ва тадбиркорларга маълум қилиш орқали бизнес муҳитининг барқарорлигини таъминлаш мумкин.

Юқоридаги таклифларни амалга ошириш орқали Ўзбекистонда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлар ва инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мумкин.

#### **Адабиётлар/ Литература/ Reference:**

Ashurova, N., & Chekulayeva, K. (2024). O'zbekiston respublikasining soliq siyosatini takomillashtirishda ijtimoiy sheriklikning roli. Ilg'or iqtisodiyot va pedagogik texnologiyalar, 1(1), 232–240.

George, H. (1879). *Progress and Poverty: An Inquiry into the Cause of Industrial Depressions and of Increase of Want with Increase of Wealth*. New York: Appleton & Co.

International Monetary Fund (IMF). (2019). *Fiscal Policies for Resource-Rich Developing Countries*. Washington, D.C.: IMF.

Kazakhstan Ministry of Finance. (2020). *Resource Rent Taxation in Kazakhstan: Challenges and Prospects*. Astana: Government of Kazakhstan.

Laffer, A. B. (2004). *The Laffer Curve: Past, Present, and Future*. The Heritage Foundation.

Mill, J. S. (1848). *Principles of Political Economy with Some of Their Applications to Social Philosophy*. London: John W. Parker.

Stiglitz, J. E. (2007). *Making Globalization Work: The Case of Norway's Resource Taxation System*. W.W. Norton & Co.

World Bank. (2017). *The Changing Wealth of Nations: Measuring Sustainable Development in the New Millennium*. Washington, D.C.: The World Bank.

Атамуродов Ш.А. (2014) Роль налогов в формировании доходной части государственного бюджета республики узбекистан //совершенствование налоговой политики государства в условиях глобализирующейся экономики. – С. 107-111.

Ашурова Н. Б. (2012) Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва солиқ соҳасидаги ижтимоий ҳамкорликни амалга ошириш йўналишлари // Экономика и финансы (Узбекистан). №11. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekiston-respublikasi-soli-siyosati-va-soli-so-asidagi-izhtimoiy-amkorlikni-amalga-oshirish-y-nalishlari>.

Ашурова Н.Б. (2012) Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва солиқ соҳасидаги ижтимоий ҳамкорликни амалга ошириш йўналишлари // Экономика и финансы (Узбекистан). №11. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekiston-respublikasi-soli-siyosati-va-soli-so-asidagi-izhtimoiy-amkorlikni-amalga-oshirish-y-nalishlari>.

Джулибеков Н. (2024) Налогообложение недропользователей: отечественная практика и зарубежный опыт //Экономическое развитие и анализ. – Т. 2. – №. 11. – С. 453-460.

Джулибеков Н. (2024) Направления совершенствования системы налогообложения горно-металлургических предприятий //Экономическое развитие и анализ. – Т. 2. – №. 7. – С. 279-285.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси. (2022). Ер қаъридан фойдаланувчилар учун электрон ҳисобот тизими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик базаси. <https://lex.uz/docs/5138323>.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги. Давлат бюджети ижроси бўйича ҳисобот (2023 йил). Тошкент: Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги. [https://api.mf.uz/media/document\\_files/IB\\_2023\\_uz.pdf](https://api.mf.uz/media/document_files/IB_2023_uz.pdf).

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада тақомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-6121-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик базаси. Retrieved from <https://lex.uz/docs/5138323>.

Фармон (2021) Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси. 2021 йил 1 октябрдан табиий газ экспортига акциз солиғи бекор қилинди. Кун.uz. <https://kun.uz/kr/72214926>.